



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 7 июнь, № 115 (9010)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ ВА МУРАББИЙЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва кенг оммалаштириш, халқимиз орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қўшган катта ҳиссаси, футбол бўйича Осиёнинг энг кучли жамоалари ўртасидаги саралаш мусобақаларида чинакам жасорат ва матонат фазилатларини, юксак профессионализм ва азму шжиоат намунасини кўрсатиб, улкан ғалабага эришгани — Ватанимиз тарихида биринчи марта жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритгани, Янги Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги шон-шухратини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, миллий гурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларида фаол иштирок этиб келаётгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан

Кападзе Тимур Тахирович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийси
Абдуллаев Абдулла Қаҳрамонжон ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Алихонов Хожиакбар Улуғбек ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Аликулов Хусниддин Рўзи ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Ашурматов Рустамжон Элёрвич — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Бўриев Абдурауф Анвар ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Жиянов Русланбек Музаффар ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Искандеров Жамшид Махмудович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Машарипов Жалолиддин Қадомбой ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Мозговой Акмал Владимирович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Насруллаев Шерзод Иннатилло ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Неъматов Абдуваҳид Фурқат ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Сайфиев Фаррух Каримович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Сергеев Игорь Владимирович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Турғунбоев Азизбек Муродулла ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Тўхтаўжаев Ислон Саидқамолович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Урунов Остон Рустам ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Файзуллаев Аббосбек Сайиджон ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Хамробеков Одилжон Сохибжон ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Хусанов Абдуқодир Хикматжон ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Шомуродов Элдор Азамат ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Шукуров Отабек Гайрат ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Эргашев Ботирали Хайдарали ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Эркинов Ҳожимат Ботир ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Эшмуродов Умарбек Юсуф ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Юсупов Уткир Давлатбекович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Ирматов Равшан Сайфиддинович — Ўзбекистон футбол ассоциацияси президентининг биринчи ўринбосари

«Дўстлик» ордени билан

Алеш Чех — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ёрдамчи мураббийси
Владо Радманович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ёрдамчи мураббийси
Еремчук Михаил Викторович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ёрдамчи мураббийси
Мартин Магистер — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ёрдамчи мураббийси
Нихад Пежкович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ёрдамчи мураббийси
Сречко Катанец — Футбол мураббийси
Исеев Шамил Тагирович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг илмий-ўқув ва методика бўлими бошлиғи
Фазилов Абдурахмон Рахимович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг терма жамоалар бўлими мухлислар билан ишлаш бўйича мутахассиси

II даражали «Саломатлик» ордени билан

Арипов Алишер Эркинович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси шифокори

«Соғлом турмуш» медали билан

Безбородов Андрей Владимирович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси физиотерапевти
Усманов Исламбек Юлдашевич — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси физиотерапевти
Ҳасанов Ахмаджон Диёр ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси физиотерапевти

«Шухрат» медали билан

Ахмедов Даврон Уктамович — Ўзбекистон футбол ассоциацияси таржимони
Аширов Шукуралло Шухратович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг терма жамоалар бўлими администратори
Игамбердиев Шерзод Дилмуратович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг халқаро алоқалар бўлими бошлиғи
Максумов Аваз Пархатович — Ўзбекистон футбол ассоциацияси бош котиби
Пирмухамедов Хасан Мирзахакимович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг маркетинг ва медиа бўлими фотосуратчиси
Рузиев Ислон Бахром ўғли — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг маркетинг ва медиа бўлими видео оператори
Салихов Жамолиддин Салахутдинович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг терма жамоалар бўлими бош мутахассиси
Таджиев Сарвар Мирхатамович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг терма жамоалар бўлими администратори
Файзиев Даврон Ахмеджанович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг маркетинг ва медиа бўлими бошлиғи
Хакимов Дилшод Махмуджанович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг футбол фаолиятини назорат қилиш бўйича махсус инспекцияси бўлим бошлиғи
Шербаете Журабек Фазилжанович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг мухлислар клуби раиси ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 5 июнь

Дунё нигоҳи



«ЎЗБЕКИСТОН, ФУТБОЛ БЎЙИЧА
ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА
ХУШ КЕЛИБСИЗ!»

Ўзбекистон миллий терма жамоаси футбол бўйича 2026 йил АҚШ, Мексика ва Канадада ўтказиладиган жаҳон чемпионати саралаш босқичида муваффақиятли иштирок этиб, тўрт йилликнинг нуфузли мусобақасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Футболчиларимизнинг бу ютуқлари нуфузли хориж нашрлари, экспертлар ва кенг жамоатчилик вакиллари томонидан тарихий натижа сифатида эътироф этилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳар тўрт йилда Халқаро футбол федерациялари ассоциацияси (ФИФА) томонидан ташкил этиладиган ушбу нуфузли мусобақада ҳар бир аъзо давлат ўз мамлакатини миллий жамоасини кўришни истайдди. Аммо унда иштирок этиш учун мураккаб саралаш босқичларидан ўтиш керак. Бугунгача ФИФАга аъзо 211 давлатдан 79 тасининг асосий жамоаларига бу насиб этган ҳолос. Энди улар сафи Ўзбекистон терма жамоаси билан бойиди. Бу барчамизга чексиз ифтихор бағишлайди.

ФИФА президенти Жанни Инфантино Ўзбекистон терма жамоасининг жаҳон чемпионати саралаш босқичидаги муваффақиятидан сўнг халқимизни ушбу ғалаба билан табриклади.



ЗАФАРЛИ ОДИМЛАР БАРДАВОМ БЎЛСИН!

Куни кеча футбол бўйича жаҳон чемпионати 3-саралаш босқичининг 9-турида муҳим натижани қайд этган Ўзбекистон миллий терма жамоаси Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида ҳукумат аъзолари, спорт мутасаддилари, мураббийлар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда соҳа фидойилари томонидан тантанали тарзда кутиб олинди.



Юзлари ёруғ, халқимиз ишончини оқлаган футболчиларимиз биринкетин кўриниш бериб, аэропортдан чиқиб келишди.

— Бу кунни ўзим ҳам футболчи, ҳам мураббий сифатида кўп кутган-

ман, — дейди Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Тимур Кападзе. — Мазкур ғалабаларимиз замирида, аввало, халқимизнинг ишончи ва дуоси ётибди. Айниқса, Президентимиз Шавкат

Мирзиёев жамоамиз аъзоларини телефон орқали қутлагани ҳаммаизни қувонтирди. Бизга йўллаган табрикларидаги сўзлари эса ўзим каби барча жамоамиз аъзоларини руҳлантирди.



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллаган, азалдан халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, бағрикенглик ва саховат каби олижаноб фазилатларни ўзида мужассам этган муқаддас Қурбон ҳайити — Ийд ал-Адҳо муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар раҳбарларидан табрик мактублари келиб тушмоқда.

Хорижий ҳамкорлар ўз қутловларида Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига чуқур ҳурмат билдирган ҳолда юртимизга тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилаб, дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришга қатъий интилишларини таъкидламоқда.

Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Қозоғистон Республикаси Президенти
Қосим-Жомарт Тоқаев;

Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров;**

Тожикистон Республикаси Президенти
Эмомали Раҳмон;

Туркменистон Президенти **Сердар Бердимухамедов;**

Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси **Гурбангули Бердимухамедов;**

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев;**

Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти
Нурсултон Назарбаев;

Миср Араб Республикаси Президенти
Абдулфаттоҳ ас-Сиси;

Туркия Республикаси Президенти
Режеп Таййип Эрдоған;

Эрон Ислон Республикаси Президенти
Масъуд Пезешкиён;

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти
Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён;

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиғи ҳокими
Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум;

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазири **Шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаён;**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири
Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён;

Қувайт Давлати Амири
Шайх Мишъал ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ;

Қатар Давлати Амири
Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний;

Қатар Давлати Амири ўринбосари
Шайх Абдуллоҳ бин Ҳамад бин Халиф Ол Соний;

Ўмон Султони **Хайсам бин Торик;**

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи
Абдулла II;

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти
Абдулмажид Теббун;

Фаластин Давлати Президенти **Махмуд Аббос;**

Ислон ҳамкорлик ташкилоти бош котиби
Хусайн Иброҳим Тоҳа;

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби
Кубаничбек Омуралиев;

Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгаши раиси
Бинали Йилдирим;

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби
Асад Мажид Хон;

Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислом
Оллохшукур Пошшозода.

Кутловлар келишда давом этмоқда.

ШУКРОНАЛИК ВА МЕҲР-МУРУВВАТ БАЙРАМИ

Меҳр-мурувват, эзгулик ва саховат рамзи — муборок Қурбон ҳайити юртимизда кенг нишонланди. Зеро, Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган табриғида таъкидланганидек, ушбу муқаддас байрам моҳиятида тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик, инсонпарварлик ва бағрикенглик мужассам. Бу байрамнинг инсонпарварлик, аҳиллик, саховат ва олийжаноблик каби фазилатлари юртимизда "Инсон қадри учун, инсон бахти учун" деган эзгу ғоя асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларга уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб бормоқда.

Шукуҳ

Тошкент шаҳри ва вилоятида Қурбон ҳайити арафасида тарихий обидалар, муқаддас қадамжо ва қабристонлар, маҳалла, кўча-кўй ва кўп қаватли уйлар атрофи ободонлаштирилди. — Саудия Арабистони

юртимиздан борган зиёратчилар Ҳаж ибодатини бажаришга киришди, — дейди шу кунларда Саудия Арабистонида бўлиб турган Нурафшон шаҳридаги "Тўйле-па" жоме масжиди бош имом-хатиби Абдурашид Рустамов.



ШУКРОНАЛИК ВА МЕҲР-МУРУВВАТ БАЙРАМИ

— Дуоларимизда Ватанимизга тинчлик ва барқарорлик, халқимизга фаровонлик тилади.

Қурбон ҳайити намозидан сўнг қурбонлиқлар сўйилиб, “Ижтимоий ҳимоя” Миллий реестрида рўйхатга олинган, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга тарқатилади. Уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олинди. Инсонпарварлик, шукроналик ва бағрикенглик тимсолига айланган муборак Қурбон ҳайити минглаб хонадонларда юқори кайфият ва катта шукҳда нишонланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам Қурбон ҳайити катта шоду ҳуррамлик билан қўлиб олинди. Нукус шаҳридаги Имом шон Муҳаммад жоме масжидида ҳайит намози ўқилди. Намозга йиғилганлар ушбу қўтлуг ва муқаддас байрам билан қўтланиб, тинч ҳамда осуда юртда яшашётгани, хотиржам ибодатлар қилаётганимиз учун Яратганга шукроналар айтди.

— Бугун “Пирим Эшон бобо” жоме масжидида ҳайит намози ўқилди, — дейди Ҳўжайли туманидаги меҳнат фахрийси Таваккал Абдухоликов. — Тадбирда Президентимизнинг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раисининг халқимизга Қурбон ҳайити байрами муносабати билан йўллаган табриклари ўқиб эшиттирилди. Маросимда сўзга чиққанлар барчани байрам билан самимий табриклаб, халқимизга ҳамжиҳатлик, файзу барака ва тинчлик тилаб дуолар қилишди.

Андижон вилоятида миллий ва диний қадриятларимизни ривожлантириш, виждон ва эътиқод эркинлиги таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мавжуд дам олиш масканлари, маданият ва истироҳат боғлари тартибга келтирилиб, зиёратгоҳларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Қурбон ҳайити намозлари барча шарт-шароит яратилган 179 та масжид, “Сайид Мухйиддин маҳдум” ўрта махсус ислом билим юртида ўқилди. Намозхонларга янада қулайлик яратиш мақсадида транспорт хизмати йўналишида намунали фаолият йўлга қўйилди.

— Жамоамизда ибратли хизмат кўрсатган марҳум ҳамкасбларимизнинг хонадонларида бўлиб, оила аъзолари ҳолидан хабар олди, — дейди “Андижон сув таъминоти” АЖ ходими Марҳабон Насриддинова. — Нурунийлар муқаддас қадам-жоларни зиёрат қилишди. Мўътабар ота-оналар, қариндош-уруғлар, ёру биродарлар бир-бирларини йўқлашди. Бу улуг айёмда кўмак ва ёрдамга муҳтожлардан хабар олиш саховатпеша инсонларнинг эзгу амалига айланди.

Бухоро вилоятида ҳайит намози вилоятдаги 106 та масжидда ўқилди. Намозхонлар юртимиз тинч, осмонимиз мусавфо бўлсин, элимиз дас-турхонидан қур-батака аримасин, дея дуога қўл очди.

Бир кўнгли иморати — минг Макка зиёрати, дейишганча бор. Савобталаб инсонлар ҳайит кун

Ғижувон туманидаги Бобур маҳалласида яшовчи Яшин Бобомуродовни сўроқлаб келишди. Бу хонадон эгасининг кўнглини тоғдай кўтарди. Саховатпеша маҳалладошларидаги меҳр-оқибатни кўрган яна бир юртдошимиз Курсия Рўзиевани айтмайсизми? “Шундай инсонлар бор экан, турмушдаги қийинчиликлар унут бўлади, — дейди у. — Юракда “Менинг яхши кўнларим ҳали олдинда”, деган ишонч билан яшайсан киши”.

Мурувватнинг катта-кичиги бўлмайди. Муқаддас айём шарофати билан Бухородаги ўнлаб серсаховат инсонлар касалик туфайли уйда ўтириб қолган, моддий имконияти чекланган фуқароларга ёрдам қўлини чўшди. Биргина биз юқорида тилга олган маҳаллада юзга яқин кишига ҳайитлик улашилди. Озик-овқат махсулотлари тарқатилди. Бу юмушларга маҳалла раиси ҳамда нурунийлар кенгаши фаоллари бош-қош бўлди. Вилоятдаги Мурувват уйлари, оилавий болалар уйларида яшовчилар ҳолидан ҳам хабар олинди.

Қурбон ҳайити арафасида **Жиззах вилоятида** 304 та маҳалла масжидлари, 465 та қабристон, 42 та тарихий ёдгорлик ва муқаддас қадамжоларда кенг қўламли ободонлаштириш, таъминлаш ишлари амалга оширилди. Эрта саҳардан 168 та масжидда ҳайит намозлари ўқилди. Жиззах шаҳри ва туманларида истиқомат қилувчи 600 дан ортиқ эҳтиёжманд оилаларга жами 356 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Байрам кўнлари йўллардаги тирбандликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, намозхонларнинг саломатлигини назорат қилиш учун вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати ҳавфсизлиги, соғлиқни сақлаш бошқармалари ходимлари ва бошқа мутасаддилар беминнат хизмат кўрсатишди. Бу ҳайрли ишлар самарасида Қурбон ҳайити намозини жиъзахликлар жамоат бўлиб, осойишталикда ўқиди.

Қурбон ҳайити **Навоий вилоятида** ҳам кўтаринки руҳда нишонланди. Байрам кунини кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳамда ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабар олиниб, уларга саховатпешалик кўрсатилди. Қурбон ҳайитининг намозлари Қарманадаги Қосим шайх ва Навоий шаҳридаги Алишер Навоий номидига ва жами 70 га яқин жоме масжидларида адо этилди.

— Шундай улуг кунда юртимизга тинчлик, осойишталик, халқимиз эришган энг буюк ютуқ мустақиллигимизнинг бардавомлигини тилаб дуо қилди, — дейди Қармана туманидаги Қумушхон маҳалласида истиқомат қилувчи Тобишби Мақсудова. — Президентимиз томонидан амалга оширилётган ислохотлар ҳаётимизнинг барча жаҳалларини, жумладан дини ва умуминсоний қадриятларимизни ҳам қамраб олмақда. Айниқса, муқаддас динимизнинг маданий-маърифий нуфузини оширишдаги сайё-ҳаракатлари кўнглимизни тоғдек кўтармоқда.

Байрам муносабати билан вилоятнинг қадим зиёратгоҳларида ҳайит сайли тадбирлари амалга

оширилиб, Нурота ва Қизилтепа туманларидаги “Мурувват уйлари”даги юртдошларимиз ҳолидан хабар олинди.

Яхшиликка, савоб ишларга қорлайдиган муқаддас айёмда **Наманган вилоятида**ги 188 та жоме масжидида Қурбон ҳайити намози ўқилди. Бу улуг айёмни наманганликлар эзгу амаллар билан қўлиб олишди.

— Маҳалламиздаги 10 та хонадонда истиқомат қилувчи якка-ёлғиз қариялар, ижтимоий ҳимюга муҳтож оилалар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, 12 турдаги озик-овқат махсулотлари тарқатилди, — дейди Наманган шаҳридаги “Баркамол авлод” МФЙ раиси Яҳёхон Дадабоев. — Наманган шаҳар ҳокимлиги ва Кадастр агентлиги Наманган шаҳар бўлими томонидан ногиронлиги бор фуқароларга кийим-кечак, озик-овқат махсулотларини ҳадя этишди. Бир нафарига ногиронлик аравачаси совға қилинди.

Самарқанд вилоятидаги 284 та масжидда Қурбон ҳайити намози ўқилди. Самарқанд шаҳридаги “Намозгоҳ” жоме масжидида эрта тонгдан Қурбон ҳайити намозини адо этиш учун жамоат жам бўлди.

— Азалдан Қурбон ҳайитидаги байрамларнинг энг улугворси Самарқанддаги масжидларда ўтказилган, — дейди вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Адиз Бобоев. — Қурбон ҳайитида мусулмонлар ўзлари хоҳлаб, навбатма-навбат уйларида байрам зиёфатлари уюштирган. Унга барчани тақлиф қилган. Қарердан тақлиф бўлса, зиёфатларга борган. Анъанга мувофиқ, вилоятимизда бу улуг айём инсонларни яхшилик ва саховатга қорловчи, дўстлик ва ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамловчи байрам сифатида кенг нишонланди.

Байрамда ҳокимликлар, саховатпеша кишилар томонидан маҳаллалардаги эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва беморлар ҳолидан хабар олиниб, уларга мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

Сирдарё вилоятининг турли ҳудудларидаги 76 та жоме масжидида ҳайит намози ўқилди. Қарийб 90 минг намуосан ушбу муборак ибодатни адо этди. Хусусан, биргина Гулистон жоме масжидида ҳайит намозини 7 мингдан зиёд кишилар ўқиди. Ватанимиз тараққиётининг янада жадал ва самарали бўлишини, халқимизнинг барча ишига файзу барака тилаб, дуолар қилинди.

— Қурбон ҳайити эзгулик айёми, — дейди Ховос туманида яшовчи меҳнат фахрийси Анорбой Қажҳоров. — Моҳиятида меҳр-оқибат, саховатлик қадриятлари устувор ва у ҳамжиҳатлик байрами ҳамдир. Улуг айём — Қурбон ҳайити хонадонлар, маҳаллалар, шаҳару қишлоқларимиз бўйлаб ўзгача шукҳ таратмоқда.

Сурхондарё вилоятида ҳам 133 та жоме масжидида 195 мингдан ортиқ юртдошларимиз Қурбон ҳайити намозини адо этди. Воҳодаги намоз ўқилган жоме масжидларнинг имомлари давлатимиз раҳбарининг Қурбон ҳайити муносабати билан мамлакатимизнинг барча мусулмонлари



ва Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттирди.

— Янги Ўзбекистонимиз мўмин-мусулмонлари мустақиллик шарофати, Юртбошимизнинг сайё-ҳаракатлари туфайли диний байрамларни кўтаринки руҳда нишонлаш назорат қилиш учун маҳаллий ҳокимликлар, ИИБ йўл ҳаракати ҳавфсизлиги, соғлиқни сақлаш тизимлари ходимлари ва бошқа мутасаддилар беминнат хизмат кўрсатмоқда. Қурбон ҳайити намозини жамоат бўлиб, осойишталикда ўқиди. Ана шундай улуг кўнларга етказанга шукрулар айтамыз.

Байрам муносабати билан деҳқон бозорларида арзонлаштирилган озик-овқат ярмаркалари ташкил этилиб, аҳолига барча қулайлик яратилди. Воҳа бўйлаб байрам шодённаларни давом этмоқда.

Фарғона вилоятида эзгулик тадбирлари доирасида кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинди. Уларга байрам совғалари улашилди. Вилоят шаҳар ва туманларидаги 193 та масжидда Қурбон ҳайити намози ўқилди.

— Бугунги фазилатли кўнларда бутун дунё му-

сулмонлари қатори вилоятимиздан ҳам зиёратчилар Ҳаж амалларини адо этиш мақсадида Макка шаҳрида бўлиб турибди, — дейди Қувасой шаҳар имом хатиби Алишер Наимов. — Улар Ҳаж ибодатини адо қилиш билан бирга юртимиз тинчлиги, халқимизнинг фаровон, мамлакатимиз яна ривож топиши учун дуо қилмоқда.

Вилоятдаги шаҳар ва туманларда ҳайит намозини уйларига яқин ва қулай масжидларда ўқиш учун барча имкониятлар яратилди. Ташриф буюрувчилар ҳавфсизлигини таъминлаш, эҳтиёж туғилганда кўмаклашиш учун вилоят ИИБ, Миллий гвардия хизматчилари ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси фаоллари хизматга жалб этилди.

Бағрикенглик, меҳр-оқибат, шукроналик ва эзгулик байрами — Қурбон ҳайити **Хоразм вилоятида** ҳам халқимизнинг азалий қадриятларига ҳамоҳанг тарзда кенг нишонланди. Байрам арафасида муқаддас қадамжолар, тарихий обидалар, қабристонларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Маҳаллалар, кўча ва ҳиёболар янада обод ва кўркам қиёфа касб этди.

Эрта тонгда вилоятдаги жоме масжидларида ҳайит намози ўқилди. Имом домлалар маърузаларида Қурбон ҳайитининг моҳияти, юртимизда ислом дини ривожини, маънавий қадриятларимиз юксалиши йўлидаги эзгу сайё-ҳаракатлар ҳақида сўз борди.

— Қурбон ҳайити қалбларни поклайдиган, силаи раҳм орқали дилларни бир-бирига боғлайдиган байрам, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Хоразм вилоятидаги вакили Хайрулла Абдуллаев. — Мамлакатимизда виждон ва диний эътиқод эркинлигининг ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланганлиги туфайли юртдошларимиз ибодатларини эмин-эркин адо этиб, ҳайит кўнларини кенг нишонлаш бахтига мушарраф бўлди. Президентимизнинг муборак Қурбон ҳайити муносабати билан халқимизга табригини ўқиб, дилларимиз янада хушнуд бўлди. Айни кунда юртдошларимизнинг катта бир ғуруҳи билан муборак Ҳаж сафарига бўлиб турибмиз. Халқимизга ана шундай имкониятларни яратиб берган давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз!

Қурбон ҳайити арафасида **Қашқадарё вилоятида** катта ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шаҳар ва туманларидаги 184 та масжидда ҳайит намозлари ўқилди. Масжидлардаги имомхатиблар томонидан Президентимизнинг Қурбон ҳайити муносабати билан мамлакатимизнинг барча мусулмонларига йўллаган байрам табриги ўқиб эшиттирилди. Улуг айём кўнларида юртдошларимизнинг саховатпешалик ва ўзаро меҳр-мурувват кўрсатиш каби фазилатлари аққол номон бўлди. Давлат ва жамоат ташкилотлари, тадбиркорлар байрам муносабати билан ҳайрия тадбирларини амалга оширдилар. Ҳайит қувончи ҳар бир хонадонга кириб борди.

«Халқ сўзи».



Чорвачилик ривожини яйловларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Доно халқимиз тоғлиб айтганидек, “Бедов бойловда семирар, қўй-қўзи — яйловда”. Аммо кейинги пайтда чорва молларининг асосий озқуқа манбаси бўлган яйловлардан фойдаланиш муаммоли масалага айланиб қолган эди. Ана шундай пайтда давлатимиз раҳбарининг шу йил 30 январдаги “Яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг замонавий механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони

чорвадорлар қалбида умид уйғотди. Негаки, мазкур ҳужжат асосида яйловлар самарадорлигини ошириш ва фойдаланишда янги тизим яратиш вазифаси юклатилди. Ҳўш, амалиётга жорий этилаётган янгиликлар соҳадаги мавжуд муаммолар ечимида қандай роль ўйнамоқда? Шу каби масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида **Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси раиси ўринбосари Фахриддин БОБОЕВ**ни суҳбатга тортдик.

Фармон ва ижро

— Маълумки, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитаси тугатилиб, унинг яйловларни бошқаришга оид вазифа ва функциялари Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитасига ўтказилди. Фахриддин Атоевич, айтинг-чи, мамлакатимиздаги мавжуд яйловларнинг асл ҳолати қандай? Суҳбатимиз аввалида шунга ойдинлик киритиб олсак.

— Бугунги кунда Ўзбекистондаги яйловларнинг умумий майдони 20 миллион гектардан ортиқни ташкил қилади. Аммо уларнинг 40 фоиздан зиёди деградацияга учраган. Содда қилиб айтганда, тупроқ шўрланган, ўсимликлар камайган, энг ачинарлиси, яшил қопламалар бутунлай йўқолган ҳудудлар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Бунинг асосий учта сабабини келтириш мумкин.

Биринчиси, яйловлар чорва бош сони кўпайишига мутаносиб равишда ривожланмаган.

Иккинчиси, яйловлардан анъанавий усулларда самарасиз фойдаланиш ҳолатлари ҳамон сақланиб қолмоқда.

Учинчиси, юртимизда сугориладиган яйловлар жуда кам бўлиб, бу атиги 1-2 фоизни ташкил этади ҳолос.

Шу боис Президентимизнинг ташаббуси билан яйловларни муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, яйлов ҳўжалигини ривожлантиришнинг янги босқичга олиб чиқиш мақсадида соҳада бошқарувнинг илҳам ва самарали тизими жорий қилинди. Энг асосийси, чорвачилик ҳўжалиқларининг ер участкаларига бўлган ҳўқуқлари эътироф этила бошланди. Ўйлаймизки, бу чорвачилиқни ривожлантириш, чорвадор халқимизни қўллаб-қувватлашда катта рағбат бўлди.

Яна бир янгилик, юқоридаги Фармонга кўра Яйлов ерларидан самарали фой-

даланишни ташкил этиш ва уларни муҳофаза қилиш, қоракўлчилик, тери ва жун саноати соҳаларини янада ривожлантириш бўйича республика комиссияси ташкил этилди. Эндиликда мазкур комиссиянинг қарорига асосан яйловлар чорвачилик ва бошқа ҳўжалиқларга тўғриван тўғри ижарага берилади. Бунда талабгор мазкур Фармон кўчга қирган санада ёки 2020 йил 1 сентябрь ҳолатида тегишли яйлов ерига нисбатан ижара, доимий фойдаланиш ёки доимий эғалик қилиш ҳўқуқига эга бўлиши лозим. Шунингдек, талабгор тегишли яйловдан узоқ йиллар самарали ва оқилона фойдаланган бўлиши, бу, ўз навбатида, жойига чиққан ҳолда тузилмаган далоплатнома билан тасдиқланиши керак бўлади.

— Сир эмас, бир неча йилдирки, яйловлар ижараси баҳс-мунозаралар марказидаги мавзуга айланган. Айниқса, иккиламчи ижарага бериш жараёнида очкилик ва шаффоқлик тамойиллари етарли даражада таъминланмагани туфайли аҳоли ва чорвадорларда тизимга нисбатан ишончсизлик кайфияти пайдо бўлган. Кўмита томонидан ижара муносабатларини тартибга солиш йўлида қандай амалий ишларга киришилди?

— Очиги, шу пайтгача яйловлар кластерлар томонидан иккиламчи ижарага берилиб, ижара нархларининг сунъий равишда ошириб юборилиши, нархларнинг номутаносиб тақсимланиши ҳолатлари кўп учраган. Бу эса ҳақли эътирозлар, кўп нозилиқларга сабаб бўлди. Шунинг учун эндиликда иккиламчи ижарага бериш амалиётидан воз кечилди. Кўмитамиз томонидан аукцион савдолари орқали ижарага бериш тартиб-таомиллари ишлаб чиқилди ва амалиётга ўтилди.

Ижара муносабатларини тартибга солиш, очкилик ва шаффоқлиқни таъминлаш мақсадида яйлов ер майдонларини электрон онлайн аукцион орқали ижарага беришнинг маъмурий регламенти ишлаб чиқилди. 2025 — 2027 йилларда яйлов ерларини деградациядан чиқариш ва улардан барқарор фойдаланишни таъминлаш бўйича миллий дастур қабул қилинди. Бундан ташқари, кўмита ҳузурида Яйлов ҳўжалиқларини ривожлантириш бошқармаси ва Ҳудудий яйлов ҳўжалиқлари бошқармаси ташкил этилди ҳамда уларнинг Низомилари тасдиқланди.

Яна бир алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлган янгилик шуки, 2025 — 2027 йилларда босқичма-босқич геоботаник тадқиқотларни ўтказиш ҳамда яйловларнинг электрон хариталарини ишлаб чиқиш жараёни башлаб юборилди. Булар тез орада ўз самараларини бериши, соҳадаги муносабатлар изга тушиб кетишига хизмат қилиши мўқаррар.

— Миллий қонунчилигимизда яйловлар умумимиллий бойлик эканлиги, давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгиланган бўлган. Аммо ушбу норма иқроси амалда етарли даражада таъминланмапти чоғи, чорвадорлар яйловларга фақат пичан ўриш, чорва боқиш майдони сифатида қарашса, масъуллар учун даромад манбаига айланиб қолган-дек, назаримизда...

— Яйловлардан рационал фойдаланиш, махсуддорлигини сақлаб қолишда чорвани мавсумий ўлатишни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, бугун ҳар доим риюа этилмагани оқибатида яйловлар соҳадаги энг оғирлик масалалардан бирига айланди. Шу боис ҳар бир ҳўжалиқда чорва молларининг бош сонига мувофиқ, яйловлардан турли масъулларда фойдаланиш режасини тузиш талаб қилинади. Бунда мавсумларнинг давомийлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Масалан, чўл яйловлари шароитида баҳор мавсу-

ми икки даврга бўлиниб, 16 февралдан 15 майгача давом этади. Энг узун давр бўлган ёз мавсуми 16 майдан 30 сентябргача қўзилди. Бу 138 кун, деганидир. Қўз мавсуми 1 октябрдан, қиш мавсуми эса 21 декабрдан бошланади.

Яйлов майдонлари йил мавсумларининг давомийлиги, чорва бош сони ва уларнинг озқуқа бўлган сўткилик талабини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Мамлакатимиз яйлов минтақаси табиий шароитлари унинг денгиз сатҳидан турли баландликларда жойлашганиги туфайли ўзининг физик-географик ва яйлов-озқуқа шароитлари жиҳатидан турли-туман. Яъни чўл, адир, тоғли ва яйлов минтақаларига ажратилади.

Текисликларда жойлашган яйловлар “чўл минтақаси” деб аталади ва умумий майдонининг 78,1 фоизига тенг. Шунингдек, адирлар 15,2 тоғли ҳудудлар 4,5 ва яйлов минтақаси 2,6 фоизини ташкил қилади. Чўл минтақаси сугориладиган деҳқончилик ва яйлов чорвачилиги, хусусан, қоракўлчилик ривожланган ҳудуд ҳисобланади. Бу минтақада йиллик ёғингарчилик миқдори 100 — 250 миллиметр гача этади. Чорва молларининг турига қараб уларнинг озқуқа бўлган йиллик талабини билиш, яйлов ҳосилдорлигини аниқлаш орқали эса ҳар қандай фермер ҳўжалиги учун зарур яйлов майдонларини ҳисоблаб чиқиш мумкин.

— Сизнингча, яйлов инфратузилмаси объектиларини ривожлантириш, ўсимлик қопламани тиклаш, таназзулга учрашининг олдини олишга доир чора-тадбирлар етарли даражада қўрилатилми? Бугунги кунда соҳага қандай янги ва замонавий механизмлар жорий этилапти?

— Тўғри, бу борада ҳали қилиниши керак бўлган ишларимиз кўп. Бугун бошлаган тадбирлар самараси кўзга ташланиши учун ҳам муайян вақт талаб этилади, албатта. Аммо биз бунини қўтиб ўтирсак, қўзланган натижаларга эришмаслигимиз мумкин. Шу боис яйловларни бошқаришга оид вазифа ҳамда функциялар Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш кўмитасига берилган, ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган тезкор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Унда деградацияга учраган яйловларни тиклаш билрамчи вазифа этиб белгиланди. Бунинг доирасида эрозия ва шўрланишга қарши чоралар қўриш, ҳудудлар тупроқ-иқлим шарои-



тига мос келадиган маҳаллий ва экологик ўсимлик турларини қайта тиклаш (ресевдинга қилиш), мелиорация ишларини ташкил этиш сайё-ҳаракатлари олиб бориляпти.

Кейинги муҳим йўналиш — яйловлардан самарали фойдаланиш тизимига ўтиш бўлиб, бунда яйловлардан навбатма-навбат фойдаланиш (ротация) тизимини жорий этиш, GPS ва спутник қўзғатувлари орқали мониторинг қилиш, яйловларни рақамлаштириш ва кадастрини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тезкор чора-тадбирларга киритилган яна бир долзарб масала — чорва сони ва наслини мувофиқлаштиришдир. Унга кўра, яйлов имкониятидан келиб чиққан ҳолда, чорва сонини белгилан, сўт ва гўшт берадиган юқори махсуддор зотларни кўпайтириш, уларнинг озқуқа манзасини кенгайтириш ва қўшимча бабалар яратиш борасида изланяпмиз, ҳориж тажрибалиларни ўрганяпмиз. Бу ишлар шунчаки қилинаётгани йўқ, албатта. Ҳар бир ишда илм-фан ютуқларига таянимоқда.

Гап шундаки, яйловлардан оқилона фойдаланиш, деградация ва чўлланишнинг олдини олиш, яйловлар ҳосилдорлигини оширишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, озқуқаб чўл ўсимлиги турларининг маҳаллий навларини яратиш ҳамда етиштиришнинг агротехникаси, уруғчилик ривожлантириш йўналишларида тадқиқотлар кенгайтириляпти. Улардан олинган илмий натижалар амалиётга кенг жорий қилинади.

— Қимматли озқуқаб ўсимлик турларини кўпайтириш, ўтлоқлар таназзулга учрашининг олдини олишда кўмита тасарруфига ўтказилган Қоракўлчилик ва чўл экологисини илмий-тадқиқот институти ҳамда Бухоро чўл-ййлов озқуқаб ўсимликлар уруғчилик илмий-ишлаб чиқариш маркази қандай роль ўйнайди?

— Мазкур илмий ва ишлаб чиқариш муассасаларининг кўмитамиз тасарруфига ўтказилиши яйловлар ўсимлик дунёсини бойитиш ва муҳофазасини кучайтириш борасидаги мақсадли кўнларни бирлаштириш имконини берди. Чўнки Қоракўлчилик ва чўл экологисини илмий-тадқиқот институти ўз фаолияти доирасида республикада қоракўлчиликнинг жадал ривожланишини таъминлаш баробарида, озқуқаб чўл ўсимликларни интродукцияси, селекцияси, уруғчилиги, уруғсодислиги ва чўл яйловлари махсуддорлигини ошириш, улардан рационал фойдаланишнинг илмий-амалий асосларини тақомиллаштириш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш билан шўғулланади. Бухоро чўл-ййлов озқуқаб ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш маркази эса мазкур институтда яратилган озқуқаб чўл ўсимликларни уруғларини катта майдонларга экиш, маданий яйловлар ҳудудларини кенгайтириш ҳамда қоракўлчилик субъектлари учун озқуқаб чўл ўсимликларни уруғларини етиштириш бериш каби тадбирларни амалга оширади. Айни пайтда ҳамкорликда яйловларни тиклаш, уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида изенъ, терексен, қўйровук, камфорсма, чўгон, эркек ўт, оқ (қора) саксовул сингари қимматли озқуқаб ўсимлик турларини экиш устида иш олиб борапмиз.

— Кўмита зиммасига тегишли вазирлик ва ид

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАФСИЛОТЛАР



Ибодат ая Қодирова маҳалланинг кайвони, дуоғўй олаҳонларидан. Салкам 90 ёшли момо 9 нафар фарзандни тарбиялаб, элга қўшди. Ўз вақтида мохир ҳандалак етиштирувчи бўлган оиладаги барча фарзанд ўқимишли, деҳқончиликда янгиликка интилувчи ва интенсив гоёлар ташаббускори.

Фарзандларининг бири муҳандис, бири технолог. Ўзи билан яшовчи Ихтиёржон эса Бесарангда Нидерландия қровуни экилиши ва оммалашити ташаббускори бўлган. Халқ селекционер бугунги кунда ушбу мамлакатнинг жаҳон бозоридида хариддориги яна бир наф уруғини олиб келиб, томорқасида илмий-амалий тажриба ўтказмоқда. Агар ўшбу қовун нави ҳам маҳаллий иқлим шароитига тез мосла-

шиб олса, кенг миқёсда экиш учун маҳалладошларига тавсия этилади.

— Раҳматли онам 105, отам 96 йил умр кечирган, — дейди Ибодат ая. — Ота уйимизда 9 нафар фарзанд улгайганмиз. Ҳозир 92 ёшга кирган акам бор. Тез-тез бир-биримизни йўлаб, жигарчилик меҳридан баҳраманд бўлиб турамыз.

Бесарангда узоқ умр кўрувчилар кўп. Бу уларнинг меҳнатқашлиги ва самимийлиги билан боғлиқ. Бу ерда ҳамма бир-бирини танийди. Ўзаро меҳр-оқибатли. Кўни-кўшничилик муносабатлари мустаҳкам.

Томорқада рўзгор учун ҳамма нарсаси бор. Бу оила бозордан даярли ҳеч нарсаси сотиб олмайди. Мевалар, қовун, помидор-бодринг, қўкатларнинг илк ҳосилини онахон қўшниларига тарқатади.

Омилкорлик

Тошлоқ тумани марказидан 15 километр олисда, қўшни Ёзёвон тумани билан чегарадош ҳудудда жойлашган “Бесаранг” маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси азалдан деҳқончиликдаги миришкорлиги билан машҳур. Катта Фарғона канали бўйида жойлашган бесарангликлар узоқ йиллар мобайнида ўз томорқаларида мазаси тилёлар ҳандалак етиштириб, Фарғона водийсида донғи чиққан. Бугунги кунда ҳам интенсив усулда экспортбоп қовун етиштириш маҳаллада драйвер ҳисобланади.

БЕСАРАНГ ФАЙЗИ



рига тарқатади. Сигири болалаганда эса келини орқали янги соғилган сутни бир ҳафта навбати билан маҳалладаги нуронийларга олиб киришни тайинлайди. Онахоннинг таъбирича, бу каби эҳсон, мурувват юртда барака ва файз бўлишини таъминлайди.

Ибодат ая бир умр кишлоқ хўжалигида ишлади. Ҳаёти оғир ва машақ-

қатли меҳнат билан ўтган бўлса-да, бардам-бақувват, ҳаётсеварлиги боис тиниб-тинчмайди.

— Бир ҳовуч ерда райхон парваришлаб, унинг хушбўй ифорида тўйиб-тўйиб нафас олганда барча чарчоқ унутилади, — дейди Ибодат ая. — Ҳалол меҳнат қилган одам кам бўлмайди. Шу боис болаларим қандай ишда фойлаят кўрсатмасин, ҳаммаша астойдил деҳқончилик қилишга ундайман.

Одам бировдан умидворлик қайфияти билан яшамаслиги керак. Маҳалла болалари момони жуда яхши кўради. Меҳрибон бўвжоннинг чўнтагида доимо қуртилган мева қоқилари, майиз, қанд-курс бўлади. Келини янги нон ёпганида, кичкинтойлар учун алоҳида қулча нонлар тай-

ёрлатади. Хонадонидида қўшни болаларни йиғиб, иссиқ нон ва новвот чой билан меҳмон қилади. Момонинг эски сандиғида йилнинг тўрт фаслида ҳам тоза асал, қандақ ўрик, холва, қанд-курс топилади. Омбордаги табиий музлаткича узум, анор, олма, беҳи, хурмо каби мевалар сақланади.

— Ибодат ая чин маънода Бесарангнинг файзи, — дейди маҳалла раиси Дилмурод Қосимов. — Турли байрам тадбирлари, тўй-маъракаларда онахонимиз доимо даврамиз тўрида, барчага бош-қош. Мароқли суҳбатини эшитиб тўймайсиз. Шу сабабли ҳазиллашиб, Ибодат онани маҳалланинг тирки тарихи деймиз.

...Бир пиёла чой устидида суҳбатлашарканмиз, момо ўз қўллари билан янги узилган қовун билан меҳмон қилди.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

ЮКСАК АРЕНАЛАРГА ЙЎЛ МЎЪЖАЗ ЗАЛДАН БОШЛАНГАН

Бугун қамашилик спортчилар ҳақида гап кетганда, кўз олдимизда оғир атлетика бўйича жаҳон ва Осиё чемпионлари Турсуной Жабборови, Нигора Абдуллаева ҳамда Қурбонмурод Номозов каби ҳамюртларимиз намоён бўлади.

Ибрат

Албатта, битта тумандан бир йўла уч нафар оғир атлетиканининг мамлакатимиз терма жамоаси сафига жалб қилиниши ва бугунги кунда улар, ҳақиқатан ҳам, дунёнинг энг кучлилари қаторида эътироф этилиши чакана иш эмас. Қамашилик оғир атлетикачилар ҳам бугунги муваффақиятларига қадар узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтган.



Эътиборли томони, уларнинг барчаси спорт билан шуғулланишни қамашилик фахрий спортчи, фидойи мураббий Тоир Пармоновнинг ўз ҳовлисида очган мўъжазгина залдан бошлашган.

Тоир Пармонов билан суҳбатимиз ҳам бу фидойи инсоннинг фаолияти, юртимиздаги спортчи ривожини йўлида амалга ошираётган ишлари, шоғирдлари эришган натижалар ҳусусида кечди.

— Ёшликда ўзимча спорт билан шуғулланиб, тўйларда кураш тушиб юрайдим, — дейди у. — Мактабни тамомлагач Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия университетининг оғир атлетика бўлимига ўқишга кирдим. Университетни тугатиб, бир муддат мактабда, кейин коллежда ишладим. 2003 йил Андижон вилоятида бўлиб ўтган “Баркамол авлод” спорт мусобақасида шоғирдларим

билан қатнашиб, яхши натижага қайд этдик.

Ўз шоғирдларидаги шижоатни кўрган мураббий чекка ҳудудлардаги ёшларда ҳам бу спорт тури бўйича катта салоҳият борлиги, уларнинг доимий шуғулланиши учун шарт-шароит, мураббий зарурлигини англади. Шу мақсадда ўз ҳисобидан ҳовлисининг бир четиди мўъжазгина спорт залини қуриб битказди. Керакили спорт жиҳозларини харид қилди.

— Дастлаб ёшларимизнинг бу спорт турига қизи-

қиши унчалик кучли эмасди, — дейди Тоир Пармонов. — Илк шоғирдим бўлишим қизим Зилола Бўриеванинг Осиё чемпиони ва халқаро тўйидаги спорт устаси бўлиши қамашилик ёшларда бу спорт турига бўлган қизиқишини ошириб юборди. Кўплаб ёшлар оғир атлетика билан шуғулланиш учун кела бошлади. Натижада қисқа вақтда шоғирдларим ичидан Қурбонмурод Номозов, Турсуной Жабборови, Нигора Абдуллаева каби терма жамоа аъзолари етишиб чиқди.

Бугун ҳам Тоир Пармоновнинг спорт зали шоғирдлари билан гавҳум. Фидойи мураббий уларнинг ҳам жаҳон ареналарини забт этишига ишонади. Шу йўлда ўзининг бор имкониятларини ишга солиб ҳаракат қилмоқда.

Жаҳонгир БОЙМУРОВОД
(«Халқ сўзи»).

ОСИЁДАГИ ЭНГ ЧУҚУР ҲОР ЮРТИМИЗДА ЖОЙЛАШГАН

Бойсун туманига қарашли Чўлбайир тоғ тизмасида жойлашган Бойбулоқ Ҳори Осиёнинг энг чуқур Ҳори сифатида танилган. Бу Ҳор денгиз сатҳидан уч минг метр баландликдаги Деҳқончилик қилишга атрофида жойлашган. Деҳқончилик — “энг баланд қилиш” деган маънони англатади, ғўеки осмонга яқин ғўша.

Фаройибот

Туман марказидан 70 километр олисдаги бу манзилга етиб боришнинг ўзи бир саёҳат. Йўлтанламас “УАЗ” қишлоққа элтувчи асосий транспорт воситаси ҳисобланади. У билан етти соатлик йўл босиб давомидида қоялар оша бурилишларда табиатнинг бетакрор манзаралари кўз ўнгингизда гавдаланлади. Ҳар қадамда янги бир афсона бошланаётгандек.

Деҳқончиликлар, асосан, асарчилик билан шуғулланади, чорва боқади, мева-сабзавот етиштиради. Бу ғўшада

қиш эрта келиб, кеч кетади. Ёз фасли баҳордек ёқимли.

— Бу афсонамас, ҳақиқат, — дейди қишлоқ оқсоқоли Шокир Маҳманазаров. — Салкам 55 йил олдин ҳамқишлоғимиз Мустафоқул Зокиров сув топиш умидида қишлоқ тепасида жойлашган Бойбулоқ Ҳорига боради. Шу билан етти соатлик йўл босиб давомидида қоялар оша бурилишларда табиатнинг бетакрор манзаралари кўз ўнгингизда гавдаланлади. Ҳар қадамда янги бир афсона бошланаётгандек.

Деҳқончиликлар, асосан, асарчилик билан шуғулланади, чорва боқади, мева-сабзавот етиштиради. Бу ғўшада

борган, аммо уни топиша олмаган. Ўша пайтда бу ҳақда масъуларга хабар берилди, ёрдам сўралди. Орадан бир йил ўтиб, Ҳор ўрганувчи олимлар катта гуруҳ бўлиб келишди ва марҳум танасининг қолдиқларини қопга солиб олиб чиқиди.

Мустафоқулнинг бедарак кетиши, воҳадаги энг чуқур Ҳорнинг сирли эшигини очди. Ўша кундан бошлаб Бойбулоқ Ҳори тадқиқотчиларни ўзига жалб қилади.

2018 йилда Россия, Франция ва Швейцариядан келган олимларнинг қўшма экспедицияси Бойбулоқ Ҳорини чуқур ўрганди. Экспедиция натижасида Ҳорнинг чуқурлиги 1430 метр, узунлиги 15,2 километр эканлиги аниқланди. Бу янгилик Бойбулоқ қишлоғимиздаги энг чуқур ва энг узун Ҳор эканини исботлади.

Экспедиция аъзоси, швейцариялик Арнаулд Маллард Ҳор ичида янги дарёлар ва қўлар

топилганини, дунёнинг ҳеч бир бурчагида 3 минг метр баландликда бундай Ҳор учрамаслигини ҳайрат билан таъкидлади.

Экспедиция Чўлбайир тоғидаги иккита чуқур Ҳор — Бойбулоқ ва Вишневскийни бир-бирига улайдиган сирли туннелларни топишни мақсад қилди. Олимларнинг тахминига кўра бу иккита Ҳор аслида битта катта Ҳорнинг қисмлари бўлиб, улар бир-бирига уланган. Агар бу тахмин тасдиқланса, жаҳондаги энг чуқур Ҳорлардан бири кашф этилади.

Аввалги экспедиция раҳбари Вадим Логинов 2023 йилнинг 20 август кунини Россия, Эрон ва Тайвандан келган 33 нафар спелеолог билан Бойбулоқ Ҳорига навбатдаги халқаро экспедицияни ташкил этди. Бу сафарги экспедицияда спелеологлар Ҳорнинг чуқурлиги 1517 метр, узунлиги 17 километр эканини аниқлади.

Олимлар аввалги экспедицияда асосий мақсадларига эриша олмаган бўлса-да, Бойбулоқ Ҳорининг ўтиш жойлари 1283 метр чуқурликдаги Вишневский Ҳори томон олиб боришни тахмин қилишмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, иккита Ҳорнинг потенциал улашиши 2033 метр чуқурлик ва тахминан 30 километр узунликни ташкил қилади. Агар бу маълумотлар тасдиқланса, Бойбулоқ дунёдаги учинчи энг чуқур Ҳор бўлади. Ҳозирда Ҳор чуқурлиги бўйича 12-ўринда туради.

Бойбулоқ ҳали ўз сирларини тўлиқ ошқор этмаган. Унинг чуқурлиги ва узунлиги борасида янги кашфиётлар, Ҳор ичидаги синаотлар спелеологларни янада қизиқтириб, навбатдаги экспедицияларни кутишмоқда.

Фарҳод ЭСОНОВ
(«Халқ сўзи»).

КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШДА ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБА

Бугунги жадал тараққиёт ва ахборот хуружи даврида китоб ўқиш маданиятини шакллантириш ҳамда уни оммалаштириш ҳар бир жамят учун долзарб масалага айланган. Зеро, китоб — инсон тафаккури, маънавияти ва маданиятининг ойнаси. Шунинг учун ҳам ёшларни китобга ошно этиш, уларни мутолаа орқали фикрлайдиган, таҳлил қиладиган, изланадиган шахс сифатида тарбиялаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ташаббус

Арнасой туманида мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларни илғор ва самарали тажриба сифатида ўрганса арзийди. Жумладан, туман ҳокими ташаббуси билан умумтаълим мактаблари кутубхоналари замон талабларига мос ҳолда қайта жиҳозланиб, янги ва илмий-адабий китоблар билан бойитилди.

Аҳамиятли жиҳати шуки, ҳар бир кутубхонада Президент бурчаги ташкил этилиб, у ерда сиёсий адабиётлар, миллий тарақ-

қиёт концепциясига оид китоблар ва давлат раҳбари асарлари жой олган.

Янги лойиҳа фақат ёшлар эмас, балки кенг жамоатчилик учун мўлжалланган. Замонавий форматда жиҳозланган кутубхоналарнинг ҳар бирида китоб жагонлари, кондиционерлар, иссиқ-совуқ сув билан таъминловчи қулларлар ўрнатилиб, китобхонлар учун барча қўлайлик яратилди.

Бугунги кунда мактаб кутубхоналари нафақат ўқувчилар эмас, маҳалла аҳолиси, кекса китобхонлар учун ҳам маънавий масканга айланмоқда.

Рустам НУРМАТОВ
(«Халқ сўзи»).


«ТОМОРҚАНИ ҚАДРЛАБ КАМ БЎЛМАДИМ...»

Муборак Ҳамроевнинг томорқага меҳри бўлакча. Мабодо, қаердадир бир парча ер қаровсиз, бўш ётганини кўрса анча вақтгача ўзига келолмай юради. “Ернинг уволи тутади”, дея айрим боқибегам кишиларга танбеҳ берган пайтлари ҳам бўлган.

Орамиздаги билдирилган одамлар

Бухоро туманидаги Амиробод маҳалласи Оғар қишлоғида яшовчи бу аёлнинг ерни шу қадар қадрлаши БМТнинг Озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) вакилларида ҳам илиқ таассурот қолдирди. Улар бу тиниб-тинчимас аёлнинг томорқасини конвейерга қиёслаб, бошқаларга намуна қилиб кўрсатяпти.

Дарвоқе, ФАО вакиллари билдирилган ишонч сифатида қабул қилдим, — дейди М. Ҳамроева. — Сизга ёлгон, менга чин, кишининг совуқ кунларида ҳам шу иссиқхонадан бозорга маҳсулотни пешма-пеш етказиб турдик. Саримсоқ-пиёз, исмалоқ, кўкпиёз, шивитнинг бозори чак-қон бўлди. Экиндан бўшаган захоти помидор, бодринг етиштирдик. Йилга уч марта ҳосил олдик. Томорқани қадрлаб кам бўлмаямиз. Масалан, ўтган йили иссиқхонадан 25 миллион сўм даромад қилдик.



Муборак опанинг чамаси қирқ туп дарахтдан иборат мевазори ҳам бор. Оғилда сигиру қўйни кўриш мумкин. Товуқ боқяпти. Рўзгор эҳтиёжидан ортиқча ўрик, олма, гилос, сутқатик бозорга чиқарилмоқда.

Энди М. Ҳамроева истиқомат қилаётган ҳудуддан чамаси 100 километр узоқликда жойлашган Қўмақшон маҳалласига тўхталимиз. Вилоятнинг энг чекка тумани саналган Олоғдаги бу маҳаллада Зарнигор Шойимова деган уй бекаси истиқомат қилади. Кўнгли очик, сода, меҳнаткаш бу аёлнинг турмуш фаровонлигига оид ўзига хос қараши бор. “Тўқлик йўқликдан яхши, томорқа тўқликнинг нақши”, дейди у.

Гап шундаки, 3. Шойимова 40 сотих ерни узоқ муддатли ижарига олган. Бу ерда картошка, помидор, бодринг, сабзи, булғор қалампери, ловия, ошқовоқ етиштирилмоқда. Оиладагилар қовун-тарвуз етиштиришнинг ҳам ҳадисини олган.

— Жорий йилнинг олти ойдаида томорқамиздан 40 миллион сўм атрофида даромад олишнинг кўзлаб турибмиз, — дейди 3. Шойимова. — Кейин тақрорий экин экимиз. Одатда бизда кечки сабзи, пиёз, картошкадан мўл ҳосил олинади. Шундан келиб чиқилса, томорқадан мўмай даромад кўришимиз тайин. Шукр, рўзгоримиз бут, деҳқончилик ортидан дастурхонимиз тўқин. Сут-қатик ҳам ёлғичганимиз. Томорқага меҳр қўйиш ортидан орзу-ҳавасларимизга етаямиз.

Биз бири-бирини юз километрдан зиёд масофа ажратиб турган иккита оила томорқа хўжалиги мисолида ер бебаҳо ҳазина экани хусусида тўхталади. Ваҳоланки, ҳар иккала маҳаллада деҳқончилик маданиятини риволлаштириш йўлига қўйган, томорқадан келаётган фойдани рўзгор каму кўстини тўлдиришга, ўғил-қизларининг ўқишга сарфлаётган бундай оилалар жуда кўп. Бу хонадонлардан ибрат олганлар эса, албатта, барака топади. Сирасини айтсак, ҳаётнинг ўзи энг яхши ибратхонадир.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Жаҳонгир Шириновга волидаи муҳтарамаси

Султон ҲАЙДАРОВанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Сирдарё вилоятида «Ёзни китоб билан ўтказинг» шиори остида китоблар ярмаркаси ташкил этилди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 13 107 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли қилинган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопилбаст 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган қўлашмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунали расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.00 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6